
“Саховат ва кўмак” жамғармаси Ўзбекистон туман бўлинмасининг ҳисоб рақамлари очилди

Жорий йилнинг 20 апрель куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқимизнинг тарихий ва маънавий қадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш [ташаббуси илгари сурилган эди.](#)

Ўзбекистон ҳукуматининг 22 апрелдаги [фармойиши](#)га асосан “Саховат ва кўмак” жамғармасининг Ўзбекистон тумани бўлинмаси ташкил этилди.

“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Ўзбекистон тумани бўлинмаси ҳузурида очилган “Саховат ва кўмак” жамғармаси юридик шахс ҳисобланмайди.

АТ "Агро банк" Ўзбекистон филиалида ушбу умумхалқ ҳаракатнинг ҳисоб рақамлари очилди.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА (сўм)

Х/Р 20212000300223380013

МФО 00533 ИНН 200189534

ХОРИЖ ВАЛЮТАСИДА (АҚШ доллари)

Х/Р 20212840000223380013

МФО 00533 ИНН 200189534

ХОРИЖ ВАЛЮТАСИДА (Евро)

Х/Р 20212978900223380013

МФО 00533 ИНН 200189534

Жамғарма ҳисоб рақамларига келиб тушадиган маблағлар коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган жисмоний шахсларга пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун ишлатилади.

2020-04-24 11:40:34